# МАҲАЛЛАМ — ОСТОНАМ

***Маърифат, маънавият, маданият ҳамиша жамиятнинг асосини ташкил этиб келган. Шунинг учун ҳам туманда маърифий ишларга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Буни дастлаб маҳаллаларда ўтказилган, ўтказилаётган тадбирларда кўрсак бўлади.***

Туманда маҳалла йиғинларининг округларга бўлиниши тажрибаси ўзини оқлаб келаяпти. Ҳокимлик ва бошқа давлат тизимлари ходимлари маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда ҳудуддаги савдо ва коммунал-маиший корхоналари устидан санитария ҳолатини жойларда доимий равишда назорат қилиб келишмоқда.

Шулар қаторида, туман ички ишлар бошқармаси билан келишилган ҳолда, ҳар бир маҳалла йиғини ҳудудида участка нозири тайинланиб, у ўз фаолиятини маҳалла йиғинининг раҳбарияти билан ҳамкорликда олиб боряпти. У маҳалла йиғини олдида ҳисобот беради.

Ҳозирги кунда тажриба сифатида маҳалла аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш ҳамда шу соҳани ривожлантириш мақсадида ҳар бир маҳалла йиғини ҳудудида тиббиёт шохобчалари ташкил этилмоқда. Нодирабегим, «Мустақиллик» маҳаллаларида тажрибалар кутилган натижалар бермоқда.

Маҳалла ҳудудларида аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш мақсадида, маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандларини тумандаги ўрта махсус ва техникавий билим юртлари қошида маиший хизмат соҳалари бўйича бепул курслар очилган ва ҳозирги кунда 200 тадан ортиқ болалар ўқишни тугатиб, жойларга ишлаш учун юборилди.

Маҳалла йиғинлари учун кам таъминланган, ночор оилаларга, ёлғиз қолган нафақахўрларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан моддий ёрдам тайинлаш энг муҳим йўналиш бўлиб қолди. Шунга асосан 1996 йил биринчи чорагининг ўзида 6000 оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Айниқса байрамларда саховатпешалар катта ҳиммат кўрсатмоқда.

Туманда давомий бўлиб қолган тадбирлардан бири яна шу бўлдики, ҳар бир катта миллий байрамимиз арафасида маҳаллалар ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларидан ташқари, қабристонларда умумий ҳашарлар уюштириб келинмоқда.



*Туманлар йўқламаси:*
*МИРЗО УЛУҒБЕК*

# МАЪНАВИЯТ — ИНСОН КЎЗГУСИ

Мирзо Улуғбек туманида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 1996 йил 13 мартдаги 205-1 сонли «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 1996 йил 4 апрелдаги 97-сонли «Тошкент шаҳар фуқаролар йиғинини чақириш тўғрисида»ги қарорига ҳамда Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигининг «Маҳалла фуқаролар йиғинларини чақириш тўғрисида»ги фармойишига асосан 1996 йил май-июнь ойларида тумандаги 52 та маҳалла фуқаролар йиғинлари вакилларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.

Ҳисобот-сайловлар даври ичида 5 та янги маҳалла йиғини раислари сайланди. 52 та маҳалла йиғинларида ҳаммаси бўлиб 579 та маслаҳатчи сайланди. Ушбу давр ичида туман аҳолиси томонидан энг зарур бўлган 500 тадан ортиқ муаммо ўртага ташланди. Улар аста-секин ўз ечимини топмоқда.

## «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ»

***Маҳаллалар туман маданият бўлими билан биргаликда кенг кўламда маданий-оқартув, маърифий тадбирлар олиб бормоқда. Айниқса, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови катта муваффақият билан ўтди.***

Кўрик-танловда тумандаги маданият муассасалари, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлар, ҳарбийлар, маҳаллалар аҳлидан иборат санъаткорлар Ватанимизни мадҳ этувчи 100 дан ортиқ янги қўшиқлари билан қатнашдилар.

Кўрик-танлов икки босқичдан иборат бўлиб, биринчиси 16-17 февралда, иккинчиси 4 мартда ўтказилди. Ҳокимлик кўрик-танлов ғолиблари учун 55 минг сўм маблағ ажратди. Машҳур хонанда, халқ артисти Саодат Қобулова бошчилигидаги ҳайъат аъзолари энг яхши қўшиқ ва ижрочиларни шаҳар кўрик-танловига тавсия қилишди. Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлиги билим юртининг хор жамоаси, 20-болалар мусиқа мактаби ўқувчиси Ш. Имонбердиев, «Гулшан» маданият уйи рус халқ чолғу оркестри солисти Павел Борисовлар ҳақли суратда ғолиб деб топилдилар. Ниятимиз Ватан тўғрисидаги қўшиқлар танловини мунтазам ўтказиб боришдир.

## СОҲИБҚИРОНГА БАҒИШЛАБ

***Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур маҳалласида «Соҳибқирон Амир Темур» оғзаки журнал, ёзувчи Раҳим Отаев билан учрашув, ўлкашунос Б. Голандер билан Амир Темур ҳаёти ҳақида суҳбат ўтказилди.***

Ҳамма кутубхоналарда соҳибқиронга бағишланган «Буюк саркарда», «Туроннинг буюк ўғлони» сингари китоблар кўргазмаси ташкил этилган.

Айни пайтда 3 та мусиқа, 1 та болалар санъат мактабларида 2000 дан ортиқ ўқувчилар мусиқа, рақс, рассомлик санъати билан шуғулланмоқдалар.

«Боғи Эрам», «Гулшан» ва Зафар Диёр номидаги маданият ва истироҳат боғлари туман аҳолиси дам олиши учун ёзги мавсумга яхши тайёргарчилик кўрдилар. Ҳозир ҳар ҳафта дам олиш кунлари қизиқарли тадбир ўтказмоқдалар. Ёшлар учун ҳар кеча рақс (дискотека) кечалари ташкил этилмоқда.

## ЯНГИ АЛИФБО САРИ

***Ўзбекистон Республикаси «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунининг амалий ижросини таъминлаш мақсадида туман комиссияси тузилиб, тасдиқланган тадбирлар асосида иш олиб борилмоқда.***

Туман ҳудудида жойлашган барча корхона, ташкилот ва муассасаларда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш комиссиялари тузилди.

Туман ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тилшунослик институтининг бир гуруҳ олимлари иштирокида ташкил этилган «Сирли сандиқ» саводхонлик саройи» фирмаси билан ҳамкорликда 1996 йилда бир нечта тадбир ўтказди. Улардан бири Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабалари ўртасида, иккинчиси туман ҳудудидаги институтлар талабалари ўртасида бўлиб ўтди. Тумандаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар билан пештахталарни имловий тўғри, мазмунан бехато ёзиш учун шартномалар тузиб, иш олиб борилмоқда. Фирма қошида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўргатиш курслари фаолият кўрсатмоқда.

Мақсад — нурли келажак, келажаги буюк давлат сари мардона юриш экан, мустақиллигимизнинг беш йиллиги ҳам шу йўлдаги алпона одим бўлади, албатта. Бунда Мирзо Улуғбек туманининг ҳиссаси борлиги фахрлидир.








*Туманда қурувчилар катта юмушларни бажармоқдалар. Айниқса Олимлар шаҳарчасида тикланган «Бахт уйи» шу маҳаллада яшовчиларга катта совға бўлди. Одамларнинг соғлиғини сақлаш борасида ҳам туманда катта эътибор берилади. Айниқса 13-шифохонанинг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланиши, шифохона ичининг дилтортар қилиб таъмирдан чиққани диққатга сазовордир.*

*СУРАТЛАРДА: «Бахт уйи»нинг ташқи жамоли; 13-шифохонанинг ички кўриниши ана шундай. Шифохонанинг физиотерапия хонасида.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

# ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА

***Мирзо Улуғбек туманидаги 112-мактабнинг эски биноси 1914 йилда қурилган эди.***

1924 йилда у бошланғич мактаб бўлган. 1984 йилда эса 7 йиллик мактаб сифатида қайта ташкил топган эди. Ўша йилдан бошлаб мазкур мактабда икки тилда — ўзбек ва рус тилларида ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келинмоқда.

Мактабнинг ҳозирги биноси 1964 йилда қурилган бўлиб, 960 ўқувчига мўлжалланган. Бинода ҳаммаси бўлиб 25 та ўқув ва фан хоналари мавжуд. 1945—95 ўқув йилда мактабда 1226 ўқувчи 42 та синфда таълим-тарбия олди.

Етмишинчи йилларнинг бошида синф хоналарининг етишмаслиги яққол сезила бошлади. Мактабда ўқув-тарбия ишларининг икки сменада олиб борилиши ҳам бу муаммони ҳал қила олмади. 1981 йилдан бошлаб қўшимча бино қуриш зарурати кўндаланг масала бўлди. Лекин саксонинчи йилларнинг охирига қадар бу иш амалга ошмай келди. Фақатгина 1994 йилнинг охирларига келиб, туман ҳокимиятининг саъй-ҳаракати билан қўшимча мактаб биносини лойиҳалаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай мактаб биноси қурилишига маблағ ажратилди ва 1995 йилнинг март ойида 22-қурилиш бошқармасининг қўли гул ишчилари қурилиш-монтаж ишларини бошладилар.

Лойиҳа бўйича қўшимча бино 540 ўқувчига мўлжалланган. Бу яна 25 синф хонаси, спорт зали, 120 ўринли ошхона ўқувчилар хизматида бўлади, демакдир. Хусусан, замонавий талабларга жавоб берадиган физика, кимё ва информатика хоналари таълим жараёнини юқори савияда олиб боришга кўмак беради ва дарс сифатини оширади.

• Мирзо Улуғбек туманига бағишланган туркум мақолаларни Темур УБАЙДУЛЛАЕВ тайёрлади.

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги педиатрия илмий текшириш институтида мамлакатимиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Институт директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Орхон Маҳмудов жамоада олиб борилаётган илмий йўналишлар, уларнинг тиббиёт амалиётига бераётган самараси ҳақида, мустақилликнинг ўтган даврида институтда юз берган катта ўзгаришлар, илмий кадрлар тайёрлашда эришилган ютуқлар, олиб борилаётган илмий ишлар ва уларнинг натижалари кўпинча чет эл олимларида ҳам қизиқиш уйғотаётганлиги тўғрисида тўхталди.

*Соғлом авлод учун*

# САМАРА БЕРАЁТГАН ИЗЛАНИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фан ва янги технология бош бошқармасининг бошлиғи, профессор Озод Нажмитдинов институт олимлари ва мутахассисларининг қўлга киритган ютуқларини юқори баҳолаб, институт ҳозирги кунда ўзининг илмий-амалий салоҳияти билан фақат мамлакатимиздагина эмас, балки бутун Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам йирик илмий марказ бўлиб хизмат қила олиши мумкинлигини таъкидлади.

Институт клиникаси бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди Шуҳрат Турсунов «Мустақил республикамизда болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳозирги аҳволи» тўғрисида тўхталиб, клиниканинг айни шу кунларда олиб бораётган даволаш-диагностика ишлари, республика вилоятларига кўрсатаётган амалий ёрдами, беморларни даволашда қўлланилаётган янги истиқболли усуллари хусусида гапирди.

Мустақиллик йиллари давомида клиниканинг моддий-техника негизи анча мустаҳкамланди, бўлимларда беморлар учун энг қулай гигиеник шароитлар вужудга келтирилди. Бу эса тиббий ходимлар иш сифатини сезиларли даражада ошиши ва беморларнинг тезда соғайишига имкониятлар яратди. Ҳозирги кунда клиниканинг барча бўлим ва лабораторияларида Япониядан келтирилган тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида ташхис, даволаш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда. Салкам икки ярим миллион Америка доллари қийматига тенг бўлган ва тиббиётнинг энг юқори талабларига жавоб бера оладиган бу тиббий техника асбобларини Япониянинг «Мицубиси корпорейшн» фирмаси ўрнатиб, ишга тушириб берди.

Анжуманда институт бўлим ва лабораторияларида соғлом авлод камолоти йўлида олиб борилаётган тадқиқот ишларининг натижалари тўғрисида атрофлича сўз борди. Педиатрия участкаларида болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам турларини такомиллаштириш борасида амалиётга киритилган янги тавсиялар тўғрисида ижтимоий педиатрия бўлимининг раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Учқун Каримов, турли жўғрофий-иқлим шароитларида янги туғилган чақалоқларни ташқи муҳитга мослашув жараёнлари тўғрисида неонатология бўлими раҳбари, профессор Матлуба Азимжоновалар қизиқарли маълумот бердилар. Институт пульмонология, гастроэнтерология ва бошқа бўлим ҳамда лабораторияларида қўлга киритилган натижалар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ва катта илмий ходимлари, тиббиёт фанлари номзодлари Фурқат Шамсиев, Дилором Аҳмедова, Олтиной Комилова, Баҳодир Нурматов, Флора Иноятова, Людмила Фасенколарнинг чиқишлари ҳам қизиқиш билан тингланди.

Шаҳноза КАРИМОВА,
2-Тошкент Давлат тиббиёт институти 4-курс талабаси.

*Бу — қизиқ*

## ҲАММА ГАП ТУХУМДА

КЎПИНЧА пишириққа хамир тайёрлаётганда тухум чақиб соламизу, унинг пўчоғини ахлатга ташлаб юборамиз. Авваламбор тухумни ишлатишдан олдин сиртини совунлаб илиқ сувда ювиш лозим. Қолаверса тухум пўчоғи камқонлик, шамоллашлар, аллергия, радиацион нурланишга тананинг қаршилик кўрсата олиш қобилиятини оширади. Юқорида номи саналган барча касалликлар кальций моддасининг етишмаслиги туфайлидир. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, тухум пўчоғи радионуклидларни организмда камайтирувчи энг яхши воситалардан биридир.

Инсондаги кальций воситасининг етишмаслиги замонавий тиббиёт усулида (кальций хлор, гипс, бўр ёрдамида) танага яхши сингмайди ва ўзлаштирилмайди. Товуқ тухуми пўчоғи таркибининг 90 фоизи тўқималарга осон сингувчи кальций карбонатдан иборат. Устига-уст тухум пўчоғида мис, темир, марганец, молибден, фосфор, олтингугурт, кремний, рух ва бошқа 27 тага яқин фойдали кимёвий ашёлар мавжуд.

Хуллас ҳурматли бекалар, ахлат челакка ташлаётган ҳамма нарсани кераксиз, деб бўлмайди.

## СИРЛАР ОЧИЛАДИ

МЎМИЁЛАШ — қадимги Миср маданиятининг ажралмас ва ўзига хос қисмидир. Лекин мўмиёлаш жараёни қандай кечади? Ушбу саволни сайёҳлар кўп марта йўлбошчиларга беришган. Бироқ мужмал жавобдан нарига ўтилмаган.

Тез орада мўмиёлашнинг барча сир-асрорлари очилиб кетса ажаб эмас. Чунки Мисрда махсус мўмиёлаш музейи ташкил этиляпти. У Луксорда, яъни фиръавнлар дафн этилган — Шоҳлар водийсида қад кўтаради. Барча шоҳларнинг мўмиёлари ёш фиръавн мўмиёсидан ташқари Қоҳира музейига қўйилган.

Бу ерга ташриф буюрганлар мўмиёлаш жараёнининг сирлари, асбоблари ҳамда ашёлари билан танишишлари мумкин.

Нозима ИСЛОМОВА.

## БИР ЧИМДИМ ҚАҲҚАҲА

—Фрау Минземани, турмуш ўртоғингиз туғилган кунингизга нима совға қилишини хоҳлардингиз?

—Антиқа китоб!

—Вой, нега энди!

—Қизим стол лампаси туҳфа қилишини айтди, унинг ёруғини синаб кўришим керак-ку, ахир...

***

—Фрау Крючер, фарзандли бўлганингиз билан табриклайман. Болакайнинг исми-шарифларини билсак бўладими?

—Афсус, бунинг сираям иложи йўқ, чунки у ҳали гапиришни билмайди-да.

***

Она: Томас, дадангни нима билан хурсанд қилмоқчисан?

Ота: Кундалигида аъло ва яхши баҳолар бўлса бас. Шундайми, ўғлим?

Томас: Шуни аввалроқ айтмайсизларми?! Мен бўлсам дадамга атаб ажойиб Бразилия сигаретасидан бир кутича олиб қўйибман...

***

Зиёфатда ажиб бир куй янгради.

—Англамайроқ турибман, Шопенми?—сўради бир киши ёндагисидан.

—Аввал ўгирилсинчи, сўнг билиб оламиз,—деди униси чолғучига ишора қилиб.

Немисчадан
Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКНАВО» гастроль концерт бирлашмаси
«ТУРКИСТОН» САРОЙИНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА
17 июль соат 19.00 да
**УСТОЗ ва ШОГИРД**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
**ФАХРИДДИН УМАРОВ**
Ўзбекистон халқ артистлари:
КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ
ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ
лирик хонанда
**ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ**
«ЎЗБЕКИСТОН» ашула ва рақс ансамблининг раққослар гуруҳи иштирокида
**КОНЦЕРТ**
Дастурни ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.
ЖАМОА БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.
***Мурожаат учун телефонлар: 34-99-45, 33-73-10, 35-71-00.***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ТЕХНИКУМИ қуйидаги ихтисослар бўйича КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Фойдали қазилма конлари геологияси, уларни излаб топиш ва қидириш;
Фойдали қазилма конларини қидириш технологияси ва техникаси;
Фойдали қазилма конларини қидиришнинг геофизик усуллари;
Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш;
Бухгалтерлик ҳисоб, хўжалик фаолиятини текшириш ва таҳлил қилиш;
Автомобиллар ва двигателларга техника хизмати кўрсатиш ва уларни созлаш;
ЭҲМ ва автоматлаштирилган системалар учун дастурлар;

**ЎҚИШГА 9-11 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. КИРУВЧИЛАР: МАТЕМАТИКА, ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНЛАРИДАН ТЕСТ СИНОВЛАРИ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), 086 /У андозадаги тиббий маълумотнома, 3х4 см катталикдаги 6 та фотосурат.

Меҳнат дастарчаси ёки жамоа хўжалиги дафтарчасининг маъмурият томонидан тасдиқланган кўчирмаси ёки иш жойидан маълумотнома (амалий меҳнатга эга бўлган ва сиртқи бўлимга кираётганлар учун).

Паспорт, ҳарбий билет ёки қайд этилганлик гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

**АРИЗАЛАР 20 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ТЕСТ СИНОВЛАРИ АВГУСТ ОЙИДАН ЎТКАЗИЛАДИ.**

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

**КУНДУЗГИ БЎЛИМДАГИ ТАЛАБАЛАР СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.**

Ўқиш даврида «ВС» тоифадаги ҳайдовчи гувоҳномаси берилади.

***ТЕХНИКУМ МАСКАНИ: 700095, Талабалар шаҳарчаси, Қамарнисо кўчаси, 1-уй (10,20,34-автобуслар, 12, 18-трамвайлар билан борилади).***

## ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Сиз фарзандларингизнинг келажакдаги ўқиш ва касб-ҳунар эгаллаш масаласини ҳал қилдингизми?

**ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКА ЛИЦЕЙИ**
**9—11 синфларни битирганларни қуйидаги касблар бўйича ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**
**9—11 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР УЧУН:**
**учиш аппаратларини йиғувчи чилангар, (ўқиш муддати 3 йил);**
фрезерчи, рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар оператори (лицей гуруҳининг 1 поғонаси, ўқиш муддати 2 йил);
контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикани таъмирлаш бўйича чилангар, электромонтёр (ўқиш муддати 3 йил);
механика-йиғув ишлари бўйича чилангар, авточилангар (ўқиш муддати 2 йил);
кенг тармоқли дастгоҳчи (ўқиш муддати 3 йил);
сантехника чилангари, газ пайвандчи (ўқиш муддати 3 йил);
кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси (ўқиш муддати 2 йил);
ЭҲМ оператори (инглиз тилини ўрганиш билан ўқиш муддати 3 йил).
**11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР УЧУН:**
йиғувчи-парчинловчи токарь-фрезерчи (ўқиш муддати 6 ой);
рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар созловчиси (ўқиш муддати 1 йил);
рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар оператори (ўқиш муддати 1 йил);
бухгалтер (ЭҲМларида ишлашни ўргатиш билан ўқиш муддати 1 йил);
Армия сафида хизматни тугатиб, бошқа шаҳардан келган ёшлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Ўқувчиларга ойига 734 сўмдан 916 сўмгача стипендия тўланади.
**ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ. ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШГА ШОШИЛИНГ!**
**Мурожаат учун телефонлар: 96-58-20, 96-39-72.**
***БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: Паркент кўчаси 331-уй (6, 29-трамвайлар, 30, 110, 119, 161-автобусларнинг «С. И. Кадишев номли авиатехника лицейи» бекати.***

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 38-ўрта мактаб томонидан Толибов Ўткур Абдусаломович номига берилган 222853 рақамли йўқолган
**АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0366. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 8.553 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.